Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик
ташкилоти

Манзил:Кашкадарё Вилояти, Карши шахри.730000.Амир Насаф кучаси 19-уй.Тел, ++99891.453.79.14.
Банк: Кишлок курилиш Карши Ш..код МФО 00155,Х/р.20208000604347269001СТИР:205192434,ОКОНХ 84400
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йил 15 октябр кунидаги №-00614-сонли лицензиясига эга.

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Мен Жовлиев Мустофа Тураевич **Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «HOMBUR-AUDIT»** аудитор ташкилотининг аудитори(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2013 йил 2- декабрдаги № 04652 сонли малака сертификатига эга)

томонидан хўжалик юритувчи субъект **"Кумкургон Пахта Тозалаш" АЖнинг** Молиявий хисоботлари (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўгрисидаги хисооти) дан иборат

2016 йил хисобот даври учун 01.01.2017 йил холатидаги тузилган молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун ҳужжатларига мувофик молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"Кумкургон Пахта Тозалаш" АЖнинг** илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун ҳужжатларига мувофиклиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети хисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўгрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект ""**Кумкургон Пахта Тозалаш" АЖнинг** 2016 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофик келади.

МЧЖШ «HOMBUR-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори: **Ш.Жовлиев**

Аудитор: **М.Жовлиев.**

19.04.2017 йил